

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНМИ?

Фуқаро Р.Басирова дунёда ҳеч бир инсон изсиз йўқолиб қолмаслиги, бунинг учун албатта, бирон бир сабаб бўлишини яхши билганлиги боис, ўғли бедарак йўқолганлигини эшитиб тушкунликка тушиб қолди. Аммо буни тасдиқловчи ҳужжатни кўргач эса...

3 бет



## ЮРАКЛАРДАГИ ЧАНДИҚ

...савдодан тушаётган даромадга нисбатан унга жуда кам маош тўлаётгандай, унинг хизматларига етарли баҳо бермаётгандай туюлаверарди. Доимий иш, нон-туз берган одамга нисбатан Отабекда аламзадалик, ғайирлик пайдо бўла бошлади. Хаёлида у ҳатто Иброҳимжонни ўлдириб, унинг мол-дунёсига эга чиқиб ҳам қоларди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 29-yanvar, № 05 (630)

ТАДБИР





**Кеча Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказига Республика «Нуроний» жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг бир гуруҳ раислари ташриф буюришди.**

## МАРКАЗГА ТАШРИФ

Тадбирда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси, сенатор Эркин Боқибоев ҳам қатнашиб, қуйидаги илиқ фикрларини билдириб ўтди:

— Аввало, ушбу Марказни ташкил қилиб, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб турган Бош прокуратура раҳбариятига «Нуроний» жамғармаси ва барча нуронийлар номидан миннатдорчилик билдираман. Мана шундай замонавий бинони қуриб, фойдаланишга топшириш ва тизимдаги фахрийларга кўрсатилаётган эътибордан намуна олса арзийди.

Ташриф қатнашчилари Марказ биноси ҳамда бу ерда амалга оширилган ишлар, фахрийларнинг ижтимоий муҳофазаси, улар билан биргаликда ўтказилган тадбирлар ва учрашувларда олинган суратлар билан танишдилар.

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Huquq» мухбири**

САРҲИСОБ

## Вазифалар белгиланди

**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарафутдинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи И.Ачиловлар иштирок этишди.**

Унда, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси органларининг Қуролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2008 йил давомидаги фаолияти ўрганилиб, келгусидаги вазифалар белгиланди.

Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Ш.Узаков олиб борди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари С.Жўраев маъруза қилиб, 2008 йилда барча ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан олдига қўйилган вазифаларни самарали равишда бажариш билан бирга айрим ҳарбий прокуратуралар томонидан камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлигини қайд этди.

Танқид остига олинган ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокурорлар камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бундай хато ва нуқсонларга йўл қўймасликларини таъкидлаб, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан ўз тушунтиришларини бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ш.Узаков Ҳарбий прокуратура фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўриш билан бирга, Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига қўйилган вазифаларни бенуқсон бажарилишини, Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш, ҳарбий интизомнинг мустаҳкамлаб борилиши лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарафутдинов сўзга чиқиб, Республика ҳарбий прокуратура органлари назоратидаги ҳудудларда ҳарбий хизматчиларнинг жиноятчилик аҳволи, ҳарбий прокуратура органларида 2008 йил давомида йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонлар юзасидан уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, олиб борилаётган ишларнинг сифат ва самарасини кўтаришда меҳнат ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашни таъкидлаб ўтди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан вазифалар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Б.МИРМАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси**

ЭЪТИБОР

## Болаларга бебаҳо совға

2009 йилнинг 26 январи Жиззах шаҳридаги 29-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчи ва мураббийлари учун унутилмас кун бўлиб қолди. Чунки, шу куни улар вилоят прокуратурасининг бир неча тармоқ раҳбарлари, Жиззах шаҳар прокурори ҳамда Жиззах шаҳар ҳокими ва вилоятдаги бир неча фермер хўжаликлари раҳбарлари билан учрашдилар.

Бу куннинг янада унутилмас бўлиб қолиши шундаки, уларга вилоятдаги бир неча фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан 4,5 млн. сўмлик 1500 дона китоб совға қилинди. Бу хайрия ишга Дўстлик туманидаги «Бекжон», «Қорасув», «Шодлик» фермер хўжаликлари, Зарбдор туманидан «Муқим», Жиззах туманидан «Темир Иброҳим», Арнасой туманидан «Лочин» фермер хўжаликлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Жаҳон ва ўзбек адиблари ҳамда шоирларининг энг сара асарларидан иборат бу совғалардан беҳад мамнун бўлган «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ўзларининг дил сўзларини изҳор этишди.

**Гулнора ҲАМРОЕВА,**
**Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

ФАОЛИЯТ

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ: фаолиятнинг муҳим қирраси

Мустақилликдан кейинги ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқдир. Ўзбекистон Республикасида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ва бунда Президентимиз томонидан бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш жараёнида белгилаб берилган бешта тамойилнинг бири айнан фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш этиб белгиланганлиги ҳам мазкур масаланинг долзарблигини янада оширди.

Шу ўринда Навоий вилоят прокуратурасининг мазкур масалалардаги фаолиятига тўхталсак, 2008 йилда фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 79 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 1192 тадан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Ўтказилган текширишларда аниқланган жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 18 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Шу ўринда қуйидаги ҳолатга назар ташлайлик.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

## Хусусийлаштириш давр тақозоси

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтдан Юртбошимиз бошчилигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бир қисми дейиш мумкин. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасини 2008 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида»ги маърузаларида таъкидлаганидек, хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш давомида 2008 йилнинг биринчи ярмида 174 та давлат активлари, жумладан, биржа савдоларида 38 та, давлат тендер комиссияси қарорига биноан 6 та, кимошди ва танлов савдоларида 67 та, инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига нолга тенг харид қиймати бўйича 43 та объект сотилган. Бутун йил давомида эса 300 дан ортиқ давлат активи хусусийлаштирилган, 400 га яқин корхоналарнинг мулкчилик шакли ўзгартирилган, нодавлат шаклга ўтказилган, уларнинг 98,5 фоизи тўлалигича хусусий мулк қилиб сотилган.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида ташкил этилган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид қонунлар ижроси масалалари» мавзусидаги илмий семинар ҳам хусусийлаштириш масалаларига бағишланди.

Прокуратура органлари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, белгиланган тартибда текширишлар ўтказилган. Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши таъминланган.

Анжуманда Тошкент вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, жамоатчилик вакиллари, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этишди. Анжуманда таъкидланганидек, хусусийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш учун малакали ходимларни тайёрлаш, мунтазам равишда уларнинг касб-маҳоратини ошириб бориш, хориж амалиётини ўрганиш ишларини ташкиллаштириш лозим. Ҳар бир ҳуқуқбузарлик бўйича унинг содир этилиши имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш бундай салбий ҳолатларга қарши курашишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

**Абдурашид МАННАНОВ,**
**Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ:
## фаолиятнинг муҳим қирраси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Навоий Давлат педагогика институти ректоратига «Педагогика» факультети мусиқий таълим йўналиши бўйича 3-курс талабаси Э.Рўзиев ҳарбий хизматга чақирилганлиги муносабати билан бир йил муддатга ўқишдан озод қилиш тўғрисида 2007 йил 12 ноябрда ариза билан мурожаат қилади. У ўз аризасида Самарқанд вилоят Нарпай тумани мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномасини асос қилган бўлса-да, институт маъмурияти унинг аризасини ўрганмасдан, талабалар сафидан чиқариш ҳақида 2007 йил 12 ноябрда 142-к/б-сонли буйруғини қабул қилади. Бу билан талабанинг конституциявий ҳуқуқлари поймол қилинган.

Ваҳоланки, Адлия вазирлигидан 1999 йил 6 сентябрда 793-сон билан рўйхатдан ўтган Низомнинг 21-бандига мувофиқ, талабага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат ўтаётган муддатга академик таътил берилиши керак эди.

Мазкур ҳолат юзасидан институт ректорининг мазкур буйруғига протест келтирилиб, Э.Рўзиевнинг талабалик сафига тикланиши таъминланди.

Зарафшон шаҳрида яшовчи фуқаро Р.Камоловага тайинланган комиссион суд-тиббиёт экспертизасининг 2008 йил 16 июндаги 79-сонли хулосасига кўра, у қандли диабет касаллигининг «2-даражали чап товон қон томирларини диабетли ангиопатияси, чап товон 1-бармоқ инфекцияланган мазолли, чап оёқ 1-бармоқ гангренаси касаллиги» билан касалланганлиги аниқланган. Унга Зарафшон шаҳридаги 3-сонли тиббий-санитария қисми шифокорлари томонидан ташхис ўз вақтида қўйилмагани, қандли диабетни аниқлаш учун лаборатория текширувлари ўтказилмасдан қолгани натижасида Р.Камолованинг соғлиғига путур етган. Оқибатда унинг чап оёқ бармоқлари жарроҳлик йўли билан ампутация қилиниб (кесилиб), у иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Мазкур ҳолат юзасидан Зарафшон ихтисослаштирилган прокуратураси томонидан 3-сонли тиббий-санитария қисмининг масъул тиббий ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов натижаларига кўра жиноят иши судга юборилиб, тиббий-санитария қисми врачлари Д.Тўйчиев ҳамда А.Хломенколарга нисбатан қонуний жазо чоралари қўлланилди.

Биз юқорида ижтимоий ҳимоя институтининг баъзи нуқталарига тўхталиб ўтдик, холос. Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир давлат сиёсатини амалга оширишда прокуратура органлари зиммасига жуда катта вазифалар юкланган. Прокуратура органлари эса бу вазифаларни амалга оширишда давр билан ҳамнафас фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташшаббуси билан 2009 йили «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Халқимизнинг 60 фоиздан ортиқроғи истиқомат қилувчи қўрғон ва қишлоқлар аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш, қишлоқларимиз ободончилиги ва инфратузилмасини тобора такомиллаштиришда келажакда жуда катта вазифалар амалга оширилиши аниқ. Бу борада қонунлар устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш прокуратура органлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб қолаверади.

**Самандар АСТОНОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

# СПОРТ МАКТАБИДАГИ КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАР

Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликни, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етишлари учун қилинаётган ишларни ҳеч бир сўз билан ифодалаб бўлмайди. Биргина 2008 йил — Ёшлар йилида қилинган ижобий ишлар, замонавий кўринишда қурилиб, болалар ихтиёрига топширилган мактаб ва коллежлар ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир. Афсуски, ана шу вазиятда айрим масъул шахслар, айниқса вояга етмаганлар тарбиясига масъул кишиларнинг кўзбўямачиликка йўл қўяётгани, ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали давлат маблағини ўзлаштираётгани амалга оширилаётган ислоҳотларга соя солмоқда.

Яқинда Сардоба туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июнь кунги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия баённомалари ижросини таъминлаш юзасидан тум зн Халқ таълими бўлимига қарашли Бо.ıалар ва ўсмирлар спорт мактабида текшириш ўтказилганда бир қатор қонунбузилишлар юзага чиқди.

Жумладан, таҳлиллар мобайнида мазкур мактабда директор вазифасида ишлаган Улуғбек Ботиров расмий ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритиш йўли билан ҳужжатларни қалбакилаштириб, давлатнинг катта миқдордаги маблағини ўзлаштиргани аниқланди. Хусусан, у спорт мактабида умуман ишламаган фуқаро Ш.Абдувалиевни мураббий вазифасида ишлайди деб расмийлаштириб, унга 2007 йилнинг 15 августидан 2008 йилнинг октябригача 1 млн. 291 минг 937 сўм иш ҳақи ёзади. Бу маблағни имзони қалбакилаштириш орқали олиб, ўзлаштириб келади.

«Ишбилармон» директор бу билан ҳам кифояланиб қолмайди. У фуқаро Б.Эшонқуловни ҳам 2008 йил 2 июль куни 88-сонли буйруқ билан мураббий этиб ишга тайинлаб, июль-сентябрь ойларига чиқарилган 186 минг 270 сўм иш ҳақини ҳам ўзлаштириб юборади.

Бундан ташқари, У.Ботиров расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш йўли билан ҳужжатларни қалбакилаштириб, давлат манфаатларига 2 млн. 423 минг 213 сўм миқдордаги зарар етказганлиги аниқланди. Тергов жараёнида у келтирган зарар тўлиғича ундирилди.

Дастлабки тергов натижаларига кўра У.Ботировга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан айб эълон қилиниб, судга юборилди. Суд томонидан иш атрофлича кўрилиб, қонуний жазо чораси қўлланилди. Мазкур жиноятнинг келиб чиқишига имкон яратган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида туман Халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди.

**Содиқжон НАЗАРОВ,**
**Сардоба туман прокурори**

# ИШОНМАГИН ДЎСТИНГГА...

**Аксарият ҳолларда ўспириннинг жиноят кўчасига киришига носоғлом муҳит ёхуд ота-она, қариндошлар, мактаб, маҳалла мутасаддиларининг лоқайдлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Бу тўғри, албатта. Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Муҳит уни жиноятга бошлаши мумкин. Бироқ, вояга етмаганлар жиноятчилигининг шундай кўринишлари ҳам учрайди: гўёки, ўсмир нормал муҳитда тарбия топаётган, мактаб, маҳалла маъмурияти ҳам лоқайдликка йўл қўймаган бўлади, аммо жиноят содир этилади. Қуйидаги жиноят тафсилоти ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.**

Олмалиқ шаҳридаги 14-ўрта таълим мактабида ўқиётган В.Саранкин, В.Леушкин ва А.Власовларни бошқалар қалин дўст деб билишар эди. Уч оғайнининг дарсларни ўзлаштириши ҳам, жамоат ишларидаги иштироки ҳам бинойидай эди. Улар рисоладагидек оилада тарбия кўришган, айниқса Владислав Саранкиннинг зиёли ота-онаси фарзандининг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бериб келишган.

Қўнғироқ чалинганда эшикни Алексейнинг онаси Елена хола очди. Алексейни синфдошлари Владислав ва Владимир сўраб келишган экан.

— Лёша ваннага кириб кетган эди. Ҳозир чақираман...

Эшик олдида синфдошларини кўрган Алексей хурсанд бўлмади, кўнгли ниманидир сезгандай улар билан номигагина кўришди.

— Ташқарига чиқ, сенда гап бор, — деди унга Владислав.

Алексей унинг гап оҳангидан тушунди, Владислав ўзаро муносабатларни ойдинлаштириш учун келган. Бундан ўн кунча олдин иккаласи компьютер ўйинлари сабаб гап талашиб қолишган, болалар ўртага тушгани учун жанжал муштлашувгача етиб бормаган эди. Ўшандан бери иккаласи чиқишолмай юришганди.

— Эртага гаплашсак бўлмайдими, соат ўн бўлди, — деди Алексей. Сўнг яна ниманидир ўйлади, шекилли, «ҳозир чиқаман, онамдан рухсат сўрай» деб эшикни ёпди.

Учаласи кўп қаватли уй орқасига ўтганларидагина Алексей синфдошларининг мастлигини сезди. Бироз аввалроқ, Владислав билан Владимир барга кириб «Сарбаст» пивоси билан ўзларини сийлашган эди. Яхшигина маст бўлиб олгач, Владислав Алексей ҳақида гап очади. «Ўчимни олишим керак ундан. Дўстим бўлсанг мен томонда бўлишинг керак» дейди. Владимир дўстига садоқатининг исботи учун уйидан пичоқ олиб чиқади.

Уч оғайнининг суҳбати сўнгги пайтларда Алексей дўстларидан узоқлашиб бораётганидан бошланди. Сўнг Алексей билан Владислав қўл ташлаб ярашдилар, аммо... Алексей ярашиш учун узатган қўлини тортиб олишга улгурмади. Кутилмаганда Владиславнинг қўлида пичоқ ялтиради. У Алексейнинг дуч келган жойига пичоқ санча бошлади. Унга Владимир ҳам қўшилди.

«Беш минутда қайтаман» деб чиқиб кетган ўғлининг ҳадеганда келавермаганидан хавотирга тушган она кўчага чиқди. Уй орқасидан ўғлини қидириб топганида у қонга беланиб ётган эди. Тез ёрдам чақиришгаям улгурмади, 16 ёшли Алексей кўп қон йўқотиш оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2008 йил 25 декабрдаги ҳукми билан вояга етмай туриб қотилликка қўл урган Владислав Саранкин ва Владимир Леушкинлар тегишли жазосини олишди.

Сабабсиз оқибат бўлмайди. Эҳтимол, мактабда, оилада инсон ҳаёти, одамийлик, қолаверса, дўстлик деган муқаддас тушунчалардан сабоқ беришга жиддийроқ ёндашилганда ўсмирлар ўртасидаги зиддият фожиа билан якун топмаган бўлар эди.

**Нигора МИРЗАЕВА,**
**Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси**

# Қонунни менсимаган банкирлар

***Ўтган 2008 йилда Фарғона вилоятида 10 нафардан ортиқ банк ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Хўш, бу нимани англатади? Энг ачинарлиси мазкур ишларнинг барчаси мижоз ва банк ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ.***



Жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Ёзёвон туман бўлими бош ҳисобчиси Комилжон Мусаев, Данғара туман бўлими бошқарувчиси Темирхон Насриддинов ва иқтисодиёт бўлими бошлиғи Ҳусниддин Қурбоновлар ҳам бор.

Маълумки, 2008 йил 20 февралда Президентимизнинг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор талабларига мувофиқ АТ «Пахтабанк» томонидан «Яхши ният» номли омонат тури жорий қилинди. Бундан хабар топган фуқаро Баҳромжон Исмоилов 2008 йилнинг 25 апрелида 200 минг сўм бўш пул маблағини ана шу омонатга қўйди. Аслида бугунги кунда ўз эҳтиёжларидан орттириб, банкка пул қўйишнинг ўзи катта гап. Аммо...

Аммо банк бош ҳисобчиси К.Мусаев 2008 йилнинг 19 май куни 4-сонли сохта чиқим ордерини расмийлаштириб, ҳужжатнинг «ордерда кўрсатилган пулни олдим» деган жойига омонатчи Б.Исмоиловнинг имзосини «ўхшатиб» қўйди. Сўнг пулни кассадан олиб, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Ваҳоланки, банк мижоз ва омонатчининг розилигисиз унинг ҳисоб рақами билан боғлиқ ҳеч қандай операцияни амалга оширмаслиги шарт.

Бу билан Комилжон Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «г» банди ва 209-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этди. Таассуфки, Баҳромжоннинг пулини омонатга қўя туриб қилган яхши нияти пучга чиқди.

Буни қарангки, К.Мусаев банк мижозини чув туширган бўлса, унинг данғаралик ҳамкасблари Темирхон Насриддинов ва Ҳусниддин Қурбоновлар мижозни талтайтириб юборишди. Аниқланишича, 2006 йилнинг 10 августида банкнинг Данғара туман бўлими томонидан «MEGA DRY» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасига 18 фоиз устама тўлаш шарти билан бир йил муддатга 249 млн. 500 минг сўм кредит ажратилади. Лекин банк мансабдорлари кредитни беришдан илгари гаров шартномасини нотариал тасдиқлатишни, кафилнинг аудиторлик хулосалари ва унинг банкдаги молиявий ҳолатлари тўғрисида маълумот олишни ҳамда гаровга қўйилган мулкларга ўз вақтида тақиқ солдиришни «унутиб» қўйишади. Натижада қўшма корхона раҳбари Аббосжон Муҳаммаджонов кредитни олгач, уни мақсадсиз сарфлайди. Белгиланган бир йиллик муддат ўтиб кетса ҳам на кредит фоизларини, на кредитнинг ўзини қайтаришни хаёлига келтиради. Банк мутасаддилари томонидан эса кредитнинг сарфланиши юзасидан мониторинг ҳам олиб борилмайди. Кредит ва унга белгиланган фоизларни ундириш учун вилоят хўжалик судига даъво ариза киритишнику гапирмаса ҳам бўлади. Аксинча, кредитни қайтариш муддатини яна 6 ойга чўзиб беришади. Ана шу давр мобайнида қўшма корхона ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари ҳам кредитнинг ундирилишига эмас, бошқа мақсадларга йўналтирилади. Пировардида «Пахтабанк» манфаатларига жиддий зиён етади.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейди доно халқимиз. Бироқ, биз тилга олган қинғирликлар кўп ўтмай фош бўлди. Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон ва Данғара туман судлари айбдорларнинг қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Сир эмаски, давлатимиз раҳбари бошқа соҳалар сингари банк тизимини ислоҳ қилиш орқали юртдошларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш мумкинлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар. Масалан, биргина мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун тамойилининг ўзида жуда катта маъно мужассам. Бироқ, шундай бир пайтда юқоридаги каби ҳолатларни бошқачасига қандай изоҳлаш мумкин?

**Маъсуджон МЎМИНЖОНОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**журналист**

# ФИЛИАЛ ЖАВОБГАР БЎЛАДИМИ?

Судга қилинаётган ҳар қандай мурожаат, хоҳ у юридик, хоҳ жисмоний шахс томонидан бўлсин, уларнинг замирида энг аввало бузилган ҳуқуқларни тиклаб бериш, қонунбузилишини бартараф этиш талаблари ётади. Ҳар қандай талаб ўзининг асослилиги ва қонунга мувофиқлиги билан юзага келган муаммони ҳал этишда муҳим рол ўйнайди. Республика акционерлик тижорат «Туронбанк»нинг Сурхондарё филиали ҳам ушбу қонуний жиҳатга амал қилиб, ундан ундириш сўралаётган талабни қонунга мувофиқ эмаслигини кўрсатган.

Иш мазмунига кўра, Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, РАТ «Туронбанк»нинг Сурхондарё филиалига 254 млн. 945,6 минг сўм пеня қўллашни сўраган. Лекин банк филиали бундан норози бўлиб, қарши даъво киритган ва текширишни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд ишни кўриб чиқиб, солиқ инспекциясининг даъвосини қаноатлантирган, қарши даъвони рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация инстанцияси ўзининг 2008 йил 22 июлдаги қарори билан қуйи суд қарорини қисман ўзгартириб, ҳал қилув қарорининг қарши даъвони рад этиш қисмини бекор қилиб, бу бўйича иш юритишни тугатган ва қарорнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдирган.

Ишга бевосита алоқадор бўлмаган, иш моҳиятини тўла билмаган киши албатта суднинг бундай тўхтамга келишига қонуний асос бор деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки, суд муайян қарор қабул қилишдан олдин амалдаги қонунларда назарда тутилган процессуал нормаларга риоя қилган ҳолда қарор қабул қилади ва ундан четга чиқишга ҳақли эмас. Бироқ, иш ҳужжатлари атрофлича ўрганиб чиқилганда, суд иш учун аҳамиятли ҳолатларни исботламагани аниқланди. Хусусан, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳамда Сариосиё туман Давлат солиқ инспекциясининг буйруқларига мувофиқ, РАТ «Туронбанк»нинг Сариосиё мини банкида ҳужжатли текшириш ўтказилган. Текшириш якунига кўра, банк томонидан «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талаблари бузилганлиги боис, унга нисбатан «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига асосан 254 млн. 945,6 минг сўм миқдорида пеня қўллашни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 47-моддаси 3-қисми талабига биноан, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмаслиги қайд этилган. Шунга кўра, судлар жавобгар сифатида тан олинган банкнинг аслида юридик шахс эмаслигига қонуний баҳо бермаган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси хўжалик-процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги 162-сонли қарори 9-бандида, «агар даъво билан юридик шахснинг ўзини эмас, балки унинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) ишончнома асосида мурожаат этса, хўжалик суди даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Бундай ишлар бўйича вакил сифатида иштирок этаётган алоҳида бўлинма эмас, балки унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган юридик шахс даъвогар ҳисобланади. Агар даъво юридик шахснинг ўзига эмас, балки унинг алоҳида бўлинмасига нисбатан тақдим этилган бўлса, у ҳолда юридик шахснинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиш суд томонидан ХПКнинг 38-моддасига мувофиқ ҳал этилади» деб кўрсатилган.

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2008 йил 7 апрелдаги қарорига кўра АТ «Туронбанк» ишга жавобгар сифатида жалб қилинган бўлса-да, суд қарорларида жавобгар АТ «Туронбанк» Сурхондарё филиали кўрсатилиб, пеня ҳам банк филиалидан ундирилиб, ноқонуний қарор қабул қилинганлиги оқибатида суд қарори ижроси таъминланмаган.

Хўжалик иши бўйича даъво аризаси ва кассация шикояти АТ «Туронбанк» Сурхондарё филиали томонидан берилганлигига суд инстанциялари баҳо бермасдан, ишни мазмунан кўриб, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди қарши даъвони қаноатлантиришни рад эттан бўлса, Олий хўжалик судининг кассация инстанцияси ХПКнинг 86-моддаси 1-қисмига кўра низо хўжалик судида кўриш учун тегишли эмас деб қарши даъво бўйича иш юритишни тугатган.

Қарши даъво ариза ва кассация шикояти уларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс — АТ «Туронбанк»нинг Сурхондарё филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи У.Худойқулов томонидан имзоланганлигига судлар томонидан тегишли баҳо берилмаган.

Қолаверса, суд инстанциялари томонидан банк мижозлари ҳисобланган «Тўполанг» ГЭС МЧЖ, «Сувмахсустаъмир» МЧЖ, Термиз «Бадоллик» корхонасининг бюджет олдидаги қарзларини тўлаш Давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида Республика комиссияси қарорига асосан узайтирилган бўлса-да, ушбу ҳолатлар суд томонидан ўрганилиб, бундай ҳолатда пеняни қай тарзда ундирилиши муҳокама этилмаган.

Шунингдек, корхоналарнинг бюджет олдидаги қарзларини ташкил эттан суммадан келиб чиққан ҳолда, жавобгарга нисбатан пеня ушбу сумманинг 0,5 фоизи миқдорида ҳисобланиши лозим бўлса-да, «Тўполанг футбол» клубидан тушган маблағ учун пеня бир неча бор такрор ҳисобланган пеняларнинг такрорланганлик ҳолатига аниқлик киритиш учун суд томонидан мутахассис жалб этилиб, қонуний баҳо берилмаган.

Шу билан бирга, иш ҳужжатларига кўра АТ «Туронбанк» Сариосиё мини банки томонидан 3 ва 4-сонли мемориал ордер асосида текшириш далолатномасига биноан қўлланилган жариманинг 7 млн. 192 минг 300 сўми Сариосиё ДСИ ва 799 минг 200 сўми Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлигига суд томонидан баҳо берилмаган.

Юқорида қайд қилиб ўтилган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Олий хўжалик судининг Раёсатига киритилган протест асосида низо юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонунга мувофиқлаштирилишига эришилди.

**Турғунбой ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Бош прокуратура бўлим бошлиғи ўринбосари**

# БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНМИ?

**Қайси мамлакат, қайси юртда бўлмасин ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. Шу боис, ҳар бир давлатда ким бўлишидан қатъи назар ҳар бир киши ҳақидаги маълумотлар туғилган кунидан бошлаб юритилиб, қонунда белгиланган сабаблар туфайли уларни юритиш тўхтатилади. Бу бежиз эмас. Чунки бу ушбу инсон тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тезда топиш имконини беради.**

**Фуқаро Р.Басирова дунёда ҳеч бир инсон изсиз йўқолиб қолмаслиги, бунинг учун албатта бирон бир сабаб бўлишини яхши билганлиги боис, ўғли бедарак йўқолганлигини эшитиб тушкунликка тушиб қолди. Аммо буни тасдиқловчи ҳужжатни кўргач эса...**



У умидсизликка тушмади. Ўғлининг топилишига умид қилди. Бу ишонч уни Тошкент шаҳар прокуратурасига етаклайди. У прокуратурага берган аризасида, (Акмал Икрамов) Учтепа туманлараро судининг 2004 йил 11 августдаги ҳал қилув қарори билан келини М.Басированинг фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилганлигини ва суд томонидан ўғли Н.Басиров бедарак йўқолган шахс деб топилганлигини баён қилган. Шунингдек, у ўғли Н.Басиров 2000 йилда Грециянинг Афина шаҳрига кетганлигини, ўғли билан келинининг оилавий ҳаёти бузилганлиги, ҳозирги кунда ҳам гарчи келини Россия Федерациясида яшаб келаётган бўлса-да, ўғли Н.Басировдан фарзанди учун пул олиб келаётганлигини, бунинг устига у келини билан Россия Федерациясига кўчиб кетишидан олдин кўришганлигини, аммо ўғлининг бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақида келини сўз очмаганлигини кўрсатиб, юқорида қайд этилган ҳолатларни тасдиқлаши мумкин бўлган фуқароларнинг тўлиқ исми шарифи ва яшаш манзиллари ҳақидаги маълумотларни аризасига илова қилган.

Р.Басированинг тушунтиришига кўра, у ўғлининг илтимосига биноан тегишли ҳужжатларни олиш учун ФҲДЁ бўлимига борганида, суднинг ҳал қилув қарори билан ўғли бедарак йўқолган шахс деб топилганлигини ҳамда ушбу суд қарори асосида ўғли Н.Басиров билан келини М.Басировалар ўртасидаги никоҳ бекор қилинганлигини билган.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан Р.Басированинг аризаси фуқаролик иши материалларини ўрганиш ҳамда қўшимча текшириш ўтказиш йўли билан текширилганда, унинг важларида асос борлиги аниқланди. Жумладан, фуқаролик иши материалларида ўғли Н.Басиров 2000 йилдан бери қидирувда бўлганлиги ҳақидаги Чилонзор туман ИИБнинг маълумотномаси бўлган.

Шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш давомида эса фуқаро Н.Басировга нисбатан қидирув эълон қилинмаганлиги ва у қидирувда бўлмаганлиги аниқланган.

Фуқаролик иши материалларида Н.Басировнинг охирги яшаш манзили ҳақида «манзиллар бюроси»нинг маълумотномаси мавжуд бўлса-да, суд томонидан ушбу манзил ҳамда унинг охирги иш жойи бўйича тегишли маълумотлар олинмаган.

Ўзбекистон ФПКнинг 286-моддаси 3-қисмига кўра, аризада фуқарони бедарак йўқолган деб топиш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши лозимлиги белгиланган. Бироқ, судга ариза билан мурожаат қилган келини М.Басирова бу мақсадларни кўрсатмаган бўлишига қарамасдан, унинг аризаси суд томонидан қабул қилинган ва мазмунан кўриб чиқилган.

ФПКнинг 287-моддаси 1-қисмига кўра, судья ишни судда кўришга тайёрлашда бедарак йўқолган одам тўғрисида кимлар (қариндош-уруғлари, бирга ишловчилар ва шу кабилар) маълумот бера олиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек, бедарак йўқолганнинг маълум бўлган сўнгги яшаш жойи ва иш жойидаги тегишли ташкилотлардан (ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан) бедарак йўқолган одам тўғрисида бор маълумотларни сўраб олади.

Аммо суд процессуал қонунчилик талабларига риоя қилмасдан, Н.Басировнинг яқин қариндошларини ишга жалб қилмаган, унинг ота-онаси ёки бошқа қариндошлари судга умуман чақиртирилмаган.

Р.Басированинг аризасида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан ўтказилган текшириш натижасига кўра, Тошкент шаҳар прокурори томонидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Раёсатига назорат тартибида протест келтирилган. Лекин, Президиум биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, шаҳар прокуратураси томонидан тақдим этилган Чилонзор туман ИИБнинг Н.Басировга нисбатан қидирув эълон қилинмаганлиги тўғрисидаги маълумотномаси инобатга олмасдан, аризачи Р.Басирова, А.Бикулова ва Н.Лиларнинг Р.Басиров кўрсатилган манзилда 5 йилдан бери яшамаганлиги тўғрисидаги кўргазмалари билан чекланиб, ўзининг 2007 йил 29 ноябрь кунги қарори билан шаҳар прокурорининг протестини қаноатлантирмасдан қолдирган.

Ўз навбатида, фуқаролик ишлари бўйича (Акмал Икрамов) Учтепа туманлараро судининг 2004 йил 11 август кунги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди Раёсатининг 2007 йил 27 ноябрь кунги қарорини бекор қилиш юзасидан Тошкент шаҳар прокурори томонидан назорат тартибида протест келтириш бўйича Республика Бош прокуратурасига тақдимнома киритилган.

Шунинг билан бирга, ўтказилган қўшимча текширишларда Чилонзор туман ИИБнинг фуқаро Н.Басировга нисбатан қидирув эълон қилинганлиги тўғрисидаги қалбаки маълумотнома бўйича Чилонзор туман прокуратураси томонидан 2007 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1 ва 3-қисмлари билан жиноят иши қўзғатилган ҳамда ушбу жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси Бош прокуратура томонидан Республика Олий судига тақдим қилинган.

Бундан ташқари, текшириш давомида суднинг ҳал қилув қарори билан бедарак йўқолган деб эълон қилинган Н.Басиров 2007 йил 26 декабрь куни 45 ёшга тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини ўзгартирганлиги аниқланган ҳамда бу ҳақдаги маълумотнома Олий судга тақдим этилган.

Бош прокурорнинг ўринбосари томонидан мазкур иш юзасидан назорат тартибида келтирилган протест Республика Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, протестда қайд этилган талаблар қаноатлантирилди ва юқорида кўрсатиб ўтилган суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик иши янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2008 йил 14 июлдаги ҳал қилув қарори билан М.Басированинг фуқаро Н.Басировни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, қонун устуворлигининг таъминланиши ва фуқаро қонуний манфаатларининг тикланишига эришилди.

**С.НИЯЗМЕТОВА,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

# Ҳимоя институти:

## қонунлардаги янгиликлар

Ҳимоя институтининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил қилади. Жумладан, унинг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. 26-моддасига мувофиқ эса, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. 116-моддасига мувофиқ, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади.

ЖПКнинг 24-моддасига мувофиқ сўроқда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига ҳуқуқларини тушунтириб бериши ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланиш имкониятини яратиб беришлари лозим.

Амалдаги ЖПК талабига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ ҳимоячига, яъни ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини амалга оширишда унга юридик ёрдам кўрсатишга махсус вакил қилинган шахсдан ёрдам олишга ҳақли. Ҳимоячи улардан олинган ваколатлар асосида ҳаракат қилиб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, процесс иштирокчиси сифатида муайян мустақилликка эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 15 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ишда ҳимоячи сифатида адвокат иштирок этади. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этгандан кейин йўл қўйилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилади.

Қонунда саккиз тур ишлар бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги кўзда тутилган. (ЖПКнинг 51-моддаси). Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлар туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақли.

Ҳимоячи процессуал фаолиятининг асосий мазмуни айбланувчини асосланмаган айбловдан ҳимоя қилишдан иборат. Ҳимоячи айбланувчининг ҳар қандай манфаатларини эмас, унинг фақат қонуний манфаатларини, қонуний ҳимоя воситалари ҳамда усуллари билан ҳимоя қилиш ва ёқлашга даъват этилган. Ҳимоячи ҳимояси остидаги шахсга ёқиш учун суриштирув, тергов органлари, прокуратура ва судни онгли равишда чалғитиб, ҳар қандай усуллар билан уни ҳимоя қилиши мумкин эмас. Иш юритишни билатуриб асоссиз илтимосномалар бериш орқали чўзишга, шубҳали ёки сохта далиллар тақдим этишга, фактларни бузиб кўрсатишга, ҳимояси остидаги шахсни чалғитишга қаратилган ва шу каби бошқа усулларга умуман йўл қўйиб бўлмайди.

«Адвокатура институтини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ - 198-сонли Қонун билан ЖПКнинг 49-моддаси 4 қисмига мувофиқ «ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқ амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади».

Қайд қилинган қонун билан «Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари»ни белгиловчи амалдаги ЖПКнинг 46-моддаси биринчи қисми янги биринчи ва иккинчи қисмлар билан алмаштирилиб, уларга қуйидаги янги ҳуқуқий нормалар киритилди.

Яъни, айбланувчининг ҳуқуқлари:

— қамоққа олинганлиги ва турар-жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш (ЖПКнинг 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар, яъни қариндошлар ва бошқа шахслар бундан мустасно);

— кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш;

— дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг зарур материалларни ёзиб олишдан ташқари, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқига эгалиги билан тўлдирилди.

«Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари»ни белгиловчи 48-модданинг биринчи қисми янги таҳрирда баён этилиб, унда қуйидаги янгиликлар ўз ифодасини топди. Яъни, гумон қилинувчи:

— ушлаб турилгани ва турар-жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш;

— у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан учрашиш (ЖПКнинг 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар, яъни қариндошлар ва бошқа шахслар бундан мустасно);

— кўрсатув бериш ёхуд кўрсатув беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далил сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш;




— ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш;

— амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи белгиланди.

Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ЖПКнинг 53-моддасининг биринчи қисми қуйидаги янги ҳуқуқий нормалар билан, яъни, ҳимоячи:

— адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш;

— ЖПКнинг 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш;

— дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда зарур материалларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқлари билан тўлдирилди.

Шу модданинг иккинчи қисми эса қуйидаги янги таҳрирда берилди. «Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли» (ЖПКнинг 230-моддасига мувофиқ фақат ушлаб турилган билан қариндошлар ва бошқа шахслар суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан учрашишлари белгиланган ва шу моддада **«ҳимоячи билан учрашув бундан мустасно»**, дейилган).

Жабрланувчининг (ЖПК-55м.), фуқаровий даъвогарнинг (57-м.) ва фуқаровий жавобгарнинг (59-м.) ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи процессуал нормалардаги **«ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш»** деган сўзлар **«дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш»** каби ҳуқуқий ҳимоя кафолатларни кенгайтирувчи ҳуқуқий норма билан алмаштирилган.

Амалдаги ЖПК «Гувоҳнинг адвокати» институтини тартибга солувчи янги 66-1-моддаси билан тўлдирилди. Мазкур моддада:

— гувоҳнинг адвокати белгиланган тартибда гувоҳга юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс эканлиги;

— жиноят иши бўйича тарафларнинг манфаатини ҳимоя қилаётган шахс мазкур иш бўйича гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмаслиги;

— у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва ордерни тақдим этганидан сўнг, гувоҳ чақирилган пайтдан эътиборан ишга қўйилиши;

— у бир қатор ҳуқуқларга(қонунда қайд этилган) эга эканлиги кўрсатилди.

Шу вақтнинг ўзида гувоҳ адвокатининг мажбуриятлари ҳам белгиланди. Жумладан, гувоҳнинг адвокати: гувоҳга зарур юридик ёрдам кўрсатиши; далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя қилиши шартлиги кўрсатилди.

Мазкур модданинг учинчи қисмида ҳимоя институти кафолатларини мустаҳкамловчи «ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак»лиги ҳақидаги мажбурий характердаги норма билан мустаҳкамланди.

Гувоҳ ва жабрланувчи ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини таъминлаш мақсадида, уларни сўроқ қилиш тартибини белгиловчи ЖПКнинг 114-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди, яъни: «Сўроққа ўз адвокати билан ҳозир бўлган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш адвокат иштирокида амалга оширилади. Сўроқ тугагандан сўнг адвокат гувоҳнинг ёки жарбланувчининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этишга ҳақли».

Ўзбекистон Республикасининг МЖТК «Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш» тартибини белгиловчи янги 197-1-модда билан тўлдирилди. Унга кўра: **«Адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш»** учун, **«энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишига»** оид маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг «Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш»ни тартибга солувчи 10-моддаси қуйидаги янги таҳрирда баён этилди: «Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари сони ва муддати чекланмайди.

Юридик ёрдам кўрсатаётган адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг, прокурорнинг, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш;

— жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятидан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлар ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

Суд ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб боришда, шунингдек суд муҳокамаси даврида гумон қилинувчи, айбланувчига, жабрланувчига ҳамда гувоҳга нисбатан ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид қонун талабларига риоя қилинганини синчиклаб текшириши ва йўл қўйилган қонунбузилиши ҳоллари юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдириши шарт.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси юқорида қайд қилинган қонун талабларини аниқ ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, уларнинг обрўсизланишига мутлақо йўл қўймасликдан иборат.

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**
**Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор**

# Юраклардаги чандиқ

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деган нақл бор доно халқимизда. Инсонлар борки, бошқаларнинг ютуқлари, ишининг самарасини кўриб қувонади, ҳавас қилади. Инсонлар бор, бировларнинг омади чопаётганини кўролмай, уларга ҳасад қилиб, ҳар доим қабиҳ ўй-хаёллар билан юради.

1974 йилда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилган Отабек Мақсудов ҳарбий хизматдан қайтгач, турли ишларга қўл уриб кўрди. Бироқ, ҳеч қаерда омади чопмади. Уйида бекорчи бўлиб юрган кунларнинг бирида унга омад кулиб боққандек бўлди; шу туманнинг «Шераличек» маҳалласида яшовчи тадбиркор Иброҳимжон Холиқов уни ишга таклиф қилиб қолди. Ёнида юриб, айтганини қилиб турса, ишларига кўмаклашса, унга мунтазам ойлик маош бериб туришни ваъда қилди. Шу-шу 2000 йилдан бошлаб Отабек Иброҳимжонга ёрдам бериб юрди. Отабекнинг бахтига ишбилармон тадбиркор Иброҳимжоннинг ишлари йил сайин ривожлана борди. Даромадлар тобора кўпайиб, моддий аҳвол ҳам анчайин яхшиланди. Албатта, бу ўзгаришлар Отабекнинг назаридан четда қолмасди. Ҳасадга тўла кўнгил уни турли ўйларга бошларди. Худди Иброҳимжон савдодан тушаётган даромадга нисбатан унга жуда кам маош тўлаётгандай, унинг хизматларига етарли баҳо бермаётгандай туюлаверарди. Доимий иш, нон-туз берган одамга нисбатан Отабекда аламзадалик, ғайирлик пайдо бўла бошлади. Хаёлида у ҳатто Иброҳимжонни ўлдириб, унинг мол-дунёсига эга чиқиб ҳам қоларди.

Шу тариқа кунлар, ойлар ўтаверди. Ўз хўжайинининг барча ҳаракатларини кузатиб юрган шумхаёл ёрдамчи унинг пуллари, қимматбаҳо буюмлари, валютаси қаерда сақланиши ва қулфларнинг калитлари қаерга қўйилишини билиб олиб, уларни қўлга киритишга қулай фурсат кутиб юрди.

Иброҳимжон ўз фаолиятида турли шахслар билан иш олиб борар, кимгадир пул берар, кимдандир пул оларди. Хуллас, ундан Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида яшовчи бир киши 14 миллион сўм пул қарз бўлиб қолади. 14 миллион орқасидан жуда кўп сарсон бўлган тадбиркор бу пулни ундиришда кўмаклашган кишига улуш беришга қарор қилади. Шу фикрларини у 2007 йилнинг сентябрь ойида Отабек билан ўртоқлашади. Кўзи оч ёрдамчи шу ишдан яхшироқ даромад олиш илинжида Иброҳимжонга унинг бундай ишларни дўндирадиган танишлари борлигини айтиб, улар билан маслаҳатлашишга шошилди.

Шу мақсадда Балиқчи тумани марказига келган Отабек ҳеч қаерда ишламайдиган 1981 йилда туғилган Жўрабек Ҳабибуллаев ва 1968 йилда туғилган Юсуфжон Турғуновлар билан учрашади. Бекорчилар Отабекнинг гапига қулоқ тутиб, тезда бу ишга қўл уришга розилик берадилар. Гап устида Юсуфжон Ўш шаҳрида бундай ишларга қодир Аваз исмли, обрўли таниши борлигини ва бу иш хамирдан қил суғургандек амалга ошишини айтади. Уларнинг гап-сўзларидан Отабек рўпарасидаги шахслар айнан унинг дидидаги кишилар эканлигини тушуниб етади. Шунда у асосий мақсадга кўчди. 14 миллионни ундириб беришни сўраган бошлиғида бунданда кўпроқ пул борлигини, улар қаерда туришини, уйда ким ва қачон бўлишини аниқ билишини уларга гапириб беради. Бундай таклифга биринчисидан ҳам кўра қизиқиб қолган, бел букмай даромад кўриш илинжида бўлган ҳамтовоқлар Иброҳимжон Холиқовнинг мол-мулкини эгаллаб олишга келишишди.

Шу тариқа уларда босқинчилик режаси тузилди. Турғунов ўз уйида ўқ отар қурол борлигини айтиб, жиноий режани амалга оширишда қўл келишини уқтиради. Бундан ташқари улар босқинчилик пайтида маҳалла аҳли таниб қолмаслиги учун Балиқчи туманида истиқомат қилмайдиган, лекин жиноят содир этишга мойил шериклар топиш кераклигини англайдилар. Дастлаб жиноятни молиялаштириш учун маблағни Холиқовнинг Ўшдаги қарздор шахсдан ундирилиши режалаштирилган қарздан фойдаланишга келишилади.

Шундай қилиб, Юсуфжон ва Жўрабек 2007 йилнинг октябрида айланма йўллар орқали Андижон вилояти Марҳамат туманидан Қирғизистон Республикасининг Ўш вилояти Араван туманига ўтиб олишади. У ердан Ўш шаҳрига боришиб, Аваз исмли шахсга учрашишади. Бироқ, у ўзбекистонлик меҳмонлар илтимосини рад этиб, бундай ишларга аралашмаслигини билдиради.



Иш пишмагач, уйга қайтиш чорасини кўраётган Юсуфжон ва Жўрабеклар Ўшда муқаддам 7 марта, жумладан оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиб қамалиб чиққан, аслида Ўзбекистон фуқароси бўлган, Тошкент вилояти Пискент туманида яшовчи Жумадулло Мирсалимов билан танишиб қоладилар. Нафақат гап сўзидан, балки афт-башарасидан жиноят содир этишга мойиллиги кўриниб турган Жумадулло уларда янги ғояларни келтиради. Улар Мирсалимовга Иброҳимжон Холиқов билан боғлиқ барча гапларни айтиб, унинг уйига босқинчилик жиноятини содир этишда шерик бўлишни таклиф қиладилар. Бундан ташқари, тузилган жиноий гуруҳ келажакда ҳам ўз ҳамкорлигини давом эттириб, биргаликда наркотик моддалар савдоси билан шуғулланишга келишиб олишади.

Юқоридаги келишувдан сўнг, хавфли рецидивист 2007 йилнинг октябрь ойи охирларида Балиқчи туманига келиб, жиноий гуруҳ аъзолари билан биргаликда Холиқовнинг уйига кириш-чиқиш йўлларини, бу уйдаги одатларни, маҳалладаги вазиятни ўрганишади. Жиноятни содир этиш «схема»сини чизиб оладилар. Жиноий гуруҳга Мирсалимов бошчилик қилишига келишилади.

Шундан сўнг, 2007 йилнинг ноябрида Жумадулло Тошкент вилояти Пискент туманига келиб, қўшни Олмалиқ шаҳрида яшовчи, «Олмалиқ имкон қурилиш» уй-жой мулкдорлари ширкатида раис лавозимида ишловчи таниши Йўлдош Нишонов билан учрашади. Эски қадрдонлар ҳангомаси устида Мирсалимов амалга оширишни режалаштирган жинояти тўғрисида Нишоновни хабардор қилиб, бу ишда унга ишончли йигитлар кераклигини айтади. Ўз навбатида Йўлдош бир қисм улуш эвазига унга «яхши», ҳеч нарсадан тап тортмайдиган йигитларни топиб беришга ваъда беради. Тез кунда Нишонов унинг олдига Эркин Ғофуровни олиб келади.

Эркин ҳеч бир эътирозсиз Мирсалимовнинг таклифига рози бўлади. Шунингдек, Мирсалимов жиноий гуруҳи таркибига яна икки кишини — Пискент туманида яшовчи фуқаро Нусратилло Худойбердиев ва янгиерлик Рустам Юсупжоновларни ҳам жалб этади.

Шундай кунларнинг бирида Отабек Мирсалимовни 2007 йил 22 ва 23 ноябрь кунлари Холиқовнинг маҳалласида никоҳ тўйи борлигини, унинг ёш фарзандлари шу тўйда бўлишини, бундан ташқари ИИБ тизимида ишловчи катта ўғли пахта теримига жалб қилиниб, тунашга уйга келмаслигини хабардор қилади. Бу вазиятни жиноятларини амалга ошириш учун қулай фурсат деб билган Мирсалимов 3 нафар шериги билан 22 ноябрь куни Балиқчига қараб йўлга тушади. Шу куни жиноий гуруҳнинг барча аъзоси учрашиб, содир этилиши мўлжалланган жиноят тафсилотларини бирма-бир маслаҳатлашиб оладилар.

23 ноябрь. Ҳеч нарсадан хабарсиз, осуда дам олаётган хонадон соҳибларини ташқаридаги шовқин чўчитиб юборади. Нима гап экан деб ҳовлига чиққан Иброҳимжон Холиқов у ердаги қора ниқоб кийган ва қўлқопли одамларни кўриб эсанкираб қолади. Гувоҳларни йўқотишга келишиб олишганидек, Мирсалимов Холиқовнинг кўкрагидан отади. Сўнг Эркин Ғофуров тадбиркорнинг турмуш ўртоғи Марибахон Усмонovани бошига пичоқнинг орқа қисми билан уриб йиқитади.

Уйни ағдар-тўнтар қилган жиноятчилар жами 5 млн. 100 минг сўмлик тилла тақинчоқлар, 4 млн. 700 минг сўм пул, 2612 АҚШ доллари ва баҳоси 200 минг сўм бўлган уяли алоқа телефонини қўлга киритиб, жуфтакни ростлаб қолишади.

Иброҳимжон Холиқов ўқ отар қуролдан етказилган жароҳатдан вафот этади. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати натижасида М.Усмонованинг ҳаёти сақлаб қолинади. Бироқ, ўша куни кўз ўнгида рўй берган воқеалар унинг юрагида битмас жароҳат бўлиб қолди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор ҳаракатлари ўлароқ жиноятчилар тез орада қўлга олинди. Одил суд уларга қилмишига яраша жазо тайинлади. Жиноятчилар жазоланди, босқинчилик натижасида олиб чиқилган буюмлар жабрланганларга қайтарилди, адолат қарор топди. Лекин, марҳум И.Холиқовнинг турмуш ўртоғи, фарзандлари ва ундан кўплаб яхшиликлар кўрган маҳалла аҳлининг юрагидаги жароҳатни қандай йўқотиш мумкин?

**Содиқжон БЕРДИАЛИЕВ,**
**Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси**

---

# ТУҒИЛГАН КУНДАГИ СУИҚАСД

**Сўлим Паркентнинг Ҳиссарак қишлоғи ҳақида кўпчилик эшитган бўлса керак. Табиати сўлим, одамлари меҳнаткаш. Аммо «гуруч курмаксиз бўлмас» деганларидек, уларнинг орасида ҳам фойдали меҳнат билан шуғулланишни эп кўрмай юрганлар йўқ эмас экан.**

**Ҳашар ўзбекнинг ўзига хос одати. Ҳашар баҳона кимнингдир битмай қолган иши битади, ҳам одамлар орасидаги ҳамжиҳатлик ортади. Шу сабаб бўлса керак, ҳашарга чақирилган одам борки, ундан қолмайди. Энг қизиғи, ҳашарнинг ошари ҳам бўлади. Яъниким, ҳашар қилган киши ҳашарчиларни имкон қадар сийлайди. Аммо сийловнинг ҳам меъёри бўлгани маъқул экан.**

Наврўз байрамининг эртасига Раим ака (исм-фамилиялар ўзгартиб берилмоқда) ҳамқишлоқларидан кўнгил тортарларини ҳашарга чақирди. Ишни якунлаб, овқатланиш учун ўтирганларида «зиёфат» қуюқлашиб кетди. Ҳашарчилар уйларига қайтиш учун ўринларидан турган пайтда хонтахта тагидаароқдан бўшаган шишаларнинг анчамунчаси думалаб ётарди.

Кеч кирганда кўчани тўлдириб келаётган ширакайф ҳашарчилар — Фатҳиддин ва Бахтиёрга энг ҳангоматалаб қўшнилари пешвоз чиқишди. Уларнинг бу юришига ҳавас қилган «шинавандалар» бисотидаги «шайтон суви»дан олиб чиқишди. Улфатчилик кўчанинг ўртасида бошлаб юборилди. «Жигули»нинг капоти устида тўртта шиша бўшатилди. Базми жамшид устига шу маҳаллада яшовчи Раҳмат ака келиб қолди. Буни қарангки, шу куни унинг ўртанча қизининг туғилган куни экан.

Раҳмат аканинг уйга таклиф қилгани улфатлар учун айни муддао бўлди. Ҳарқалай, газаксиз кўчада ичгандан кўра ноз-неъмат тўла дастурхон атрофида ичган маъқулда. Ортиқча мулозаматни кутиб ўтирмай Раҳмат аканинг хонадонига киришди. Ҳалиям ками бор экан, шекилли, шаробхўрлик бу ерда ҳам давом этди.

Меҳмонлар туғилган кундан чиққан пайтда кеч тушиб, атроф қоронғуликка чулғанган эди. Кайфи ошиб қолган Фатҳиддиннинг бундай манзарадан завқи ошиб, қийқириб ўйинга туша бошлади. Унга бошқалар ҳам қўшилди. Маст бўлмаган пайтида пул бериб ҳам ўйнатиб бўлмайдиган бола-чақали, кап-катта бу одамларни, шиша ичидаги жин шу дамда билган нағмасига ўйнатмоқда эди.

Шундай қишлоқ ўртасида, маст алас бўлиб ўйинга тушаётган азаматларга «бас» дейдиган мард топилмади.

Ирғишлаб чарчаган улфатлар бир зумга тин олганларида, Фатҳиддиннинг ақл тўла калласида «ажойиб» фикр туғилди: ўртага гулхан ёқамиз! Сўнг унинг атрофида энг абжир ҳиндулардай рақсга тушамиз!

Савол туғилди: нимани ёқамиз?

— Ҳозир, — деганча ўз ҳовлисига кириб кетган Фатҳиддин машина балонини ғилдиратиб чиқди. Улфатлар ичидаги Абдувоҳид бирозгина ҳушёр экан чоғи, бу балонни ҳали ишга яроқлилигини айтиб уни ёқишига қўймади.

Бу Фатҳиддинга ёқмади. Шундоғам жанжал истаб тургани учун «ёқаман, дедим-ми ёқаман» деб туриб олди. Унинг шаштини қайтаргиси келмаган қўшниси Раҳмат ака эскироқ балон олиб чиқиб устига керосин септи-да, Фатҳиддинга гугуртни тутқазди.

Гуриллаб ёнаётган балоннинг шуъласи чор-атрофни тутди. Қилган ишидан завқи ортган Фатҳиддин энди «ўнта балон ёқаман»га тушди. Мастликда ундан қолишмайдиган Мирзоҳидга бу гаплар ёқмади шекилли, «қўлингдан келмайди» деб унинг жиғига тега бошлади. Ўртада жанжал чиқиши аниқ бўлган бир пайтда қўшнилар ўртага тушиб, икковини ажратган бўлишди. Шундан кейин ҳам жўжахўрозлардай бир-бирига ташланавергач, кимдир «ажратманглар, уришаверсин» деди. Қарабсизки, даҳанаки жанг муштлашувга айланди, аммо «раунд» узоқ чўзилмади. Мирзоҳид Фатҳиддинни йиқитиб, дўппослай бошлаганида яна уларни ажратиб қўйишди. Алами ичида қолган Фатҳиддин энди қўшниси Абдувоҳид акага тихирлик қила бошлади.

Абдувоҳид деганлари жаҳлдор одам экан, мастлик оқибатида оғзидан нима гап чиқаётганини билмаётган Фатҳиддинни сийлаб ўтирмади. Уни йиқитиб олиб дўппослай бошлади.

Уларни ажратиб қўйган Раҳмат аканинг ҳуши бошидан учиб, кайфи ҳам тарқаб кетди: Абдувоҳиднинг ҳамма ёғи қонга беланган эди! У инграган кўйи кўйлагини кўтарганда қорнидан ичаги осилиб чиқиб турарди.

Улфатларидан калтак еган Фатҳиддин аччиқ устида уйидан яширинча пичоқ олиб чиққан, лекин мастликдан боши айланиб юрган шишадошлар буни сезмаган экан. «Алининг ҳақини Валидан» деганларидай, Фатҳиддин Мирзоҳиддан ололмаган ўчини Абдувоҳид акадан олган эди.

Кўп қон йўқотиш оқибатида ҳушидан кетган Абдувоҳид акани туман марказидаги шифохонага етказишди. Кўрсатилган малакали тиббий ёрдам сабаб унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг ҳукми билан маст ҳолатда қўшнисининг жонига қасд қилган Фатҳиддин Ботиров қилмишига яраша жазосини олди.

**Одил ХОЛИҚОВ,**
**Паркент туман прокуратураси терговчиси**

# Анойи харидорлар

***Агарда сизга кимдир Шердор мадрасаси ёки Арк қалъасини сотиб олишни таклиф қилса, ёқа ушлашга ҳам, кулишга ҳам шошилманг. Сабаби дунёда давлат муҳофазасидаги иншоотларни учига чиққан фирибгарлар бир неча маротаба «сотиб» юборганликлари аниқланган. Қуйида эътиборингизга тарихда юз берган мана шу каби энг йирик фирибгарликларнинг ўнталигини ҳавола этамиз.***



**10.** 1925 йилда АҚШдаги Оқ уй америкалик фермерлардан бирига 100 минг доллар эвазига 99 йил муддатга лизинга берилган. Соддалиги чегара билмаган техаслик бадавлат фермер кейинчалик Америка Президентларининг қароргоҳини бутунлай хусусийлаштириш мақсади билан ижаранинг биринчи йили учун 100 минг долларни нақд санаб берган.



**9.** 1925 йилнинг март ойида ўта зийрак фирибгар Париж газеталарининг бирида Эйфель минораси жуда эскиргани сабабли шаҳар маъмурияти уни демонтаж қилиш масалаларини кўриб чиқаётганлиги ҳақидаги ахборотга кўзи тушиб қолади. У дарҳол Париждаги дабдабали меҳмонхоналарнинг биридан люкс хона олиб, у ерга металлолом билан шуғулланувчи бешта йирик ишбилармонларни таклиф қилади. Минорани сотиб олган ишбилармонлардан бири бу ҳақда анча кейин жуда уятга қолганлиги сабабли айтиб берган.

**8.** Лондондаги машҳур Трафалгар майдонидаги фаввора, арслонлар ва Адмирал Нелсоннинг ҳайкали ҳамда устунларини америкалик анойи бизнесмен харид қилган. Маҳаллий «сотув»чи уни Британия ҳукумати катта қарзларга ботиб бораётганлиги сабабли барча нарсаларни сотаётганлигига ишонтира олган. Машҳур иншоот бизнесмен учун атиги 6 минг фунт стерлингга тушган.



**7. Иккита йирик қурилиш фирмалари машҳур Колизейни қайта таъмирлаш таклифига лаққа тушишган. Устига-устак фирма раҳбарлари таклифни берган «Италия ҳукумати вакиллари»га лойиҳани қўлга киритиш учун катта пора таклиф қилганлар. Табиийки, пора бажонидил қабул қилинган.**



**6.** 1929 йилда америкалик бир киши Букингем саройини сотиб олиш учун бошланғич бадал сифатида 2 минг фунт стерлинг берган. Бироқ «соддалар қироли» бўлган америкаликка саройни сотиб олиш насиб этмаган. Сабаби сарой «сотувчи»си қилаётган ишидан қўрқиб ғойиб бўлган.



**5. Машҳур Эрмитажни тарихда 4 марта «сотишган» ва «ижарага беришган». Бир куни эса Қишки саройга парда тикувчи фирмалардан бирининг вакили келиб саройдаги XIX асрга мансуб гобеленларни замонавий пардаларга алмаштириш ишлари бўйича эълон қилинган тендерда айнан унинг фирмаси ютиб чиққанлигини айтган.**





**4.** Франция полицияси ҳужжатларига асосан машҳур Лувр 18 марта бутунлай ва қисман турли кишиларга «сотилган».

**3. Американинг рамзи ҳисобланмиш Озодлик ҳайкалини австралиялик бизнесмен сотиб олмоқчи бўлган. Америкалик «сотувчи» бизнесменга АҚШ ҳукуматининг сирли лойиҳасидан воқиф бўлгани, мазкур лойиҳага асосан соҳилдаги кемалар тўхташ жойи кенгайтирилиши лозимлиги, аммо бу ишга озодлик ҳайкали халақит бераётганлигини айтган. Айтмоқчи, фирибгарни бу «савдоси» учун қўлга олишган, ҳатто беш йил қамоқ жазоси ҳам беришган. Бироқ, кейинчалик озодликка чиқиб, у Лос-Анжелесда бадавлат ҳаёт кечирган.**





**2.** Америкалик қурилиш фирмаларининг эгаларидан бири янги Пиза минорасини қуриш лойиҳасини сотиб олган. Бизнесменга маъмурият ҳали йиқилиб улгурмаган миноранинг ўрнига янги, худди шундай қия минорани қуришни режалаштираётгани ҳақидаги «махфий хабар»ни етказган «сотувчи» мазкур қурилиш лойиҳасини ҳам олиб беришга ваъда берган.

1. Ушбу фирибгарликни амалга оширган «уддабурон»ни қўлга тушириш амалга ошмаган. Устига-устак унинг асл исми ҳам номаълум. Ушбу шахс америкалик бизнесменлардан бирига атиги минг фунт стерлинг эвазига Лондондаги Биг Бен соатининг юқори қисмида ресторан очиш ҳуқуқини берувчи «ҳужжат»ни сотган. Айтишларича, америкалик анойи то Лондон полициячилари уни Биг Беннинг юқори қаватига олиб чиқиб, у ерда соат механизми жойлашгани сабабли ҳеч қандай ресторан қуриб бўлмаслигини тушунтирмагунларича алданганини тан олмаган.



# Машҳур мерослар

**Энг узун меросни Қўшма Штатларнинг асосчиларидан бири ҳисобланмиш Томас Жеферсон ёзиб қолдирган. Мулкка тааллуқли шартлар Жеферсоннинг америка тарихи билан боғлиқ мулоҳазаларига аралашиб кеттан. Меросдан маълум бўлишича, унинг меросхўрлари барча қулларига озодлик берганларидан сўнггина ўз улушларига эгалик қилишлари мумкин экан.**



Вилям Шекспирнинг мероси кейинчалик тарихда муҳим ҳужжат бўлишини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. Шекспир жуда пишиқ киши бўлган кўринади. Сабаби у ўзининг меросида мебелларидан то пойафзалларигача меросхўрларга тақсимлаб чиққан. Айнан мерос ҳужжатининг мавжудлиги ҳам Шекспирнинг яшаб ўтганидан далолат беради.

Машҳур олим Алфред Нобель қариндошларига атиги ярим миллион кронани мерос қилиб қолдирган. Қолган 30 миллион кронани эса Нобель мукофоти ташкилотига мерос қилган. Олимнинг ушбу қарори қариндошлар томонидан анча тортишувларга сабаб бўлган.





Генри Форд жуда катта миқдордаги пулни мерос қилиб қолдирган. Меросда 500 миллион АҚШ доллари 4157 та таълим ва хайрия муассасаларига қолдирилган.



Энг қисқа меросни Лондонлик банкирлардан бири қолдирган. Меросда «Мен таназзулга учрадим», деб ёзилган.

**Миллиардер Мишель Ротшилд энг махфий мерослардан бирини қолдирган. Мерос матнида, «...мулкимни хатлашни ва бойлигимнинг қаерда сақланиши ҳамда унинг қийматини эълон қилишга қаратилган суднинг ҳар қандай аралашувини мутлақо ман қиламан...», деган сўзлар мавжуд. Шунинг учун Ротшилд бойлигининг қиймати ҳалигача аниқ эмас.**

Ўрта асрларда яшаб ўтган фермерлардан бири бевасига 100 ливрни мерос қилиб қолдирган. Меросда айтилишича, агар бева турмушга чиқса унга яна 100 ливр қўшиб берилади. Марҳум бу қарорини унинг аёли билан яшайдиган эркакнинг харажатлари катта бўлиши билан изоҳлаган. Бироқ, у пайтларда турмушдан ажраш мумкин эмас эди.



**Марселлик этикдўз ёзиб қолдирган меросдаги 123 та сўздан 94 таси шу каби беҳаёки, уларни «қоғозга ўраб» ҳам ўқиб бўлмайди.**



Тушуниш энг қийин бўлган меросни машҳур физик олим Нилс Борнинг лаборанти ёзиб қолдирган. Меросда махсус термин ва фразеологик жумлалар шунчалар кўп ишлатилганки, ушбу матнни тушунтириб бериш учун тилшунос мутахассисларни жалб қилишга тўғри келган.

Темурбек тайёрлади

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib).

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

ISSN 2010-7617

Buyurtma Г — 56. 26 607 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 22.30 2 3 4 5 6 7 8